


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИ**



**МОДДИЙ-МАЪНАВИЙ
МЕРОС ВА УМУМБАШАРИЙ
ҚАДРИЯТЛАР**

**Республика илмий-амалий
конференция материаллари**

14-КИТОБ

Тошкент-2022

Масъул муҳаррирлар:

Жаннат ИСМАИЛОВА, тарих фанлари доктори, профессор

Алишер ИСМАИЛОВ, п.ф.б. фалсафа доктори (PhD), кат.и.х.

Лариса ЛЕВТЕЕВА, тарих фанлари номзоди, кат.и.х.

Жамловчи ва нашрга тайёрловчилар:

Дилафрўз КАРИМОВА, т.ф.б. фалсафа доктори (PhD), кат.и.х.

Тохир НОРҚОБИЛОВ, музей илмий ходим

Такризчилар:

Т.ф.д.Б.В.Хасанов, т.ф.н.Х.Файзиев

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 мартдаги №101-Ф сонли фармойиши асосида 2022 йил 17 майдаги «**Моддий-маънавий мерос ва умумбашарий қадриятлар**» мавзусида Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами.

Масъул муҳаррирлар: Ж.Х.Исмаилова, А.Ф.Исмаилов, Л.Г.Левтеева; Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбекистон тарихи давлат музейи. 2022. 500 б.

Тўплам Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Ўзбекистон тарихи давлат музейи Илмий кенгашининг 2022 йил 10 майдаги мажлиси қарори асосида нашрга тавсия этилган.

Тўплам тарихшунослар, тадқиқотчилар ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

© Ўз Р Ф А Ўзбекистон тарихи давлат музейи, 2022.

Малика ТЎХТАЕВА,
Ўзбекистон Фанлар академияси
Миллий археология маркази
Тарих фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD).

ҚАДИМДА ВА ЎРТА АСРЛАР ТАСВИРИЙ САНЪАТИДА АЁЛ ТИМСОЛИНИ ЎРГАНИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАСИГА ДОИР

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон тасвирий санъатида аёл тимсолининг акс этиши ва санъатишунослар томонидан ўрганиш муаммолари ёритилган. Қадимда ва илк Ўрта асрлар тасвирий санъатида аёл тимсолини ўрганишнинг тарихишунослик муаммолари ва унинг долзарблиги кўрсатилган. Мақолани ёзишда: Г.А. Пугаченкова, Л.И. Ремпель, А. Хакимов ҳамда хориж тадқиқотчилар Л.Т. Гузальян, М.М. Дьяконов, Т.П. Кептерева, Э.Бахариий ишларидан фойдаланилган.

Калит сўзлар: тасвирий санъат, ўрта асрлар, рассом, аёл тимсоли, илоҳа, миниатюра.

Аннотация: Данная статья посвящена проблеме изучения искусствоведами изображения женских образов в древнем и средневековом изобразительном искусстве. Автор показывает проблемы историографии и ее актуальность для изучения женского образа в древнем и раннесредневековом изобразительном искусстве. При написании статьи автор использовал работы таких отечественных исследователей, как: Г.А. Пугаченкова, Л.И. Ремпель, А. Хакимов, а также зарубежные исследования: Л.Т. Гузальян, М.М. Дьяконова, Т.П. Кептеревой, Э. Бахари.

Ключевые слова: изобразительное искусство, средние века, художник, образ женщины, богиня, миниатюра.

Annotation: This article is devoted to the problem of studying the depiction of female images in ancient and medieval visual art by art historians. The author shows the problems of historiography and its relevance to studying of the female image in ancient and early medieval fine arts. In writing the article the author used works of native researches as: G.A. Pugachenkova, L.I. Rempel, A. Khakimov and foreign researches of: L.T. Guzalyan, M.M. Dyakonov, T.P. Keptereva, E. Bakhari.

Key words: visual art, middle Ages, artist, female images, goddess, miniature.

Қадим ва илк ўрта аср халқларининг маънавий ҳаётида тасвирий санъатнинг ўрни катта бўлган. Ўзбекистонда қадимги даврдан бошлаб ҳозирги кунгача аёллар тимсоли жуда кўп тасвирий санъат асарларида ўз аксини топган ва бунга бағишланган асарлар замонавий тасвирий санъатда ўз долзарблигини ва мавқеини йўқотмаган. Л. Додхудоева таъкидлаганидек «Аёл сиймосида Яратганнинг намоён бўлиши энг мукаммал саналади» [1,

1656.]. Аёллар тимсолининг талқини ва ўрганилиши билан боғлиқ турли адабиётлар, каталоглар, журналлар, мақолалар мавжуд. Бироқ барча даврларга хос маълумотларда айнан аёллар тимсоли махсус илмий мавзу сифатида чуқур ёритилмаган. Мамлакатимиз қадимги ва ўрта асрлар тасвирий санъатига бағишланган Г.А. Пугаченкова, Л.И. Ремпель китобида ҳамда аксарият илмий мақолаларида, антик даврига оид аёллар образлари оташпарастилик дини билан боғлиқ. Анахита, Нана худолар ва мусиқачи аёллар топилган кичик терракота ҳайкалчаларни ёки Айритомда симон рельефлардаги ҳинд маданиятига тегишли мусиқачи аёллар таҳлил қилинганда, асосан уларнинг тарихий мазмунига (семантика) ва бадиий услубига эътибор берилган [2]. Ўзбекистон тасвирий санъати тарихига бағишланган бир қатор фундаментал ва умумлаштирилган асар ҳамда тадқиқотларда санъатшунослар томонидан тасвирий санъатда аёл образи масалалари қисман ёритиб ўтилган. Шу жумладан А. Хакимовнинг «История искусства Узбекистана» [3] фундаментал тадқиқотида Ўрта аср давридаги деворий суратларда сарой маданияти билан боғлиқ аёллар кўринишлари умумий таҳлил кесимида берилган бўлиб, бевосита аёллар мавзусига тўхталиб ўтилмаган. А. Хакимов «Искусство Узбекистана: история и современность» [4] китобда Қадимги, Ўрта аср ва мустақиллик даврига оид маълумотлар, ҳамда рассомларнинг услублари, яратган асарларига бағишланган бир қатор илмий асосланган қиммат маълумотлар берилган. Ўзбекистон маданий мероси Самарқанд тўпламлари [5] антик даврга оид маълумотлар ва аёллар ҳайкалчаларининг иллюстрациялари берилган.

Т.П. Каптерева, Н.А. Виноградованинг «Искусство средневекового Востока» [6] китобида Камолиддин Бехзод, Султон Муҳаммад ва Ризо Аббоси яратган миниатюралари атрофлича таҳлил қилинган ва аёллар тасвири берилган миниатюралар мавжуд лекин асарларда аёллар образини ўрни ўзига хос хусусиятлари ёритилмаган. Амир Хусрав Деҳлавий асарларига ишланган миниатюраларда аввало асар мазмуни, драматик ҳолатларни, илмий суҳбат,

жанг майдони, ов, базм, табиат манзаралари, маҳбуба билан висол дамлари кабилар ёритилган. Иллюстрацияларда аёллар образи мавжуд бироқ китобда уларга алоҳида тўхталиб ўтилмаган. Л.Т. Гузальян, М.М. Дьяконов «Иранские миниатюры» китобда «Сиёвуш ва Фарангизнинг тўйи», «Султон Маҳмуд Ғазнавий сарой аҳли даврасида тахтда», «Рудоба қалъасидаги зал», «Судобанинг Сиёвушни алдаши», «Кей-Хусрав, Фарангиз ва Гивнинг Жайхун дарёсидан ўтиши» иллюстрацияларда аёллар образи иккинчи режаларда берилган. Китобда миниатюраларнинг тахлили жадвал кўринишида келтирилган бўлиб, бироқ у ерда аёллар образи ёритилмаган. Ушбу миниатюраларда аёлларнинг ҳар бири ўзига ҳос алоҳида фазилатларга эга бўлган.

Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти томонидан нашр этилган «Шарқ миниатюраси» китобида келтирилган миниатюралар энг қадимги қўлёзма асарлар учун ишланганлиги билан алоҳида эътиборга молик. Китобда аёллар образи ёритилмаган бўлсада, иллюстрацияларда аёллар мавжуд. Китобда Навоийнинг гўзалга ғазал ўқиб бораётгани «Наводируш шабоб» миниатюрасида, «Навоий тасвир берилган ғазалида шеърый мисраларни гўзал юзининг бичими билан таққослайди. Қаҳрамонлар чехраси эрон-мўғил типидида ишланган» [7]. Зулайҳонинг биринчи, иккинчи ва учинчи тушлари «Юсуф ва Зулайҳо» миниатюраларида, Шох Таммуснинг гўзал қизи Зулайҳо ниҳоятда чиройли йигит бўлган Юсуфни кўриб, севиб қолади. Миниатюрада ёстиқга суяниб ўтирган Зулайҳо тасвирланади. Унинг кўз ўнгида Арк ўрнидаги қора фонда Юсуф пайдо бўлади: либослари кўзни қамаштиради, бошида илоҳий шулға. Персонажларнинг чехраси – Ўрта Осиё - Бухоро типидида андозасида берилган [8]. Г. Пугаченкова, О. Галеркина Миниатюра Средней Азии китобида миниатюранинг тарихи, эволюцияси, мактаблари ҳамда Фирдавсийнинг Шохномашига ишланган миниатюралар қисқача тахлил қилинган. Китобда аёллар образи берилган иллюстрациялар мавжуд. Масалан «Юсуф ва Зулайҳо», «Шаҳзода билан мажлис», «Юсуф Миср аёллари олдида», «Соҳибжамол ва ошиқ қария» ва бошқалар [9].

Хамид Сулаймоннинг «Бобирнома расмлари» Бобурийлар даври ҳинд миниатюралари темурий ва Сафавийларникидан ўз бадиий услуби, эстетик нормалари билан аниқ ажралиб туради. Шарқ миниатюраларининг шартлилигидан – кичик бир сатҳда бутун бир воқеани ёки эпизодлар туркумини тасвирлаш заруриятидан – «Бобирнома» рассомлари моҳирлик билан фойдаланганлар. Айни вақтда ҳар бир композиция ўз мустақиллигини сақлаган ҳолда бир-бири билан мантиқий боғланиб, асар мазмунини очиб берувчи бир бутун полотнони ташкил қилади. Масалан: Бобирнинг ўз опаси Хонзодабегим билан учрашуви тўрт пландан иборат композицияда берилган. Биринчи планда – Бобир ва унинг кузатувчиси Муҳаммад Кўкалдошларнинг отини хизматкор ушлаб тургани; иккинчи планда – Бобир ва Муҳаммад Кўкалдошнинг Хонзодабегим билан суҳбати; учинчи планда – сарой архитектураси; тўртинчи планда эса Ҳиндистон табиати берилган. «Бобирнинг опаси Хонзодабегим билан учрашуви» миниатюрасида, Хонзодабегим образи ўша давр аёлининг хусусиятларини, юқори даражадаги хулқ-атвори ва эстетикасини, ички юмшоқлигини, эркак кишига бўлган муносабатини, яни сўзсиз итоаткорлик, бўйсунитини кўрсатиб берган.

Низомий Хамсасига ишланган миниатюралар алоҳида эътиборга молик. Низомий дostonларидаги барча аёл тимсоллари ижобий тасвирланган. Рассомларни буюк санъат асарларини яратишга илҳомлантирган бир қатор аёлга ҳос фазилатлар олижаноблик, раҳмдиллик, оқиллик, донолик, ирода ва гўзаллик миниатюраларда ўз аксини топган [10]. Низомий Ганжавий дostonига кўплаб аёллар образи тасвири келтирилган миниатюралар ҳозирги кунгача бизгача етиб келган бўлиб улардан «Хусрав чўмилаётган Ширинни кўрмоқда», «Искандар ва Нўшоба», «Искандар ва сув парилари», «Ширин канал қазийётган Фарход хузурида», «Қизлар ҳовузда чўмилмоқда» ва ҳ.к. айтиб ўтиш жоиз.

Ўрта аср миниатюра санъатида Беҳзод каби машҳур бўлган бошқа бирон миниатюрочи-рассом тарихда маълум эмас. Унинг ижодий мероси Рус ва Ғарбий Европа рассомлари ижодига ҳам катта таъсир кўрсатган.

Бехзоднинг ижодига бағишланган кўплаб мақолалар, китоблар ёзилган, анжуманлар монографиялар бағишланган бўлиб улардан бири мусаввир ижодини ҳар томонлама очиб бера олган Э. Бахорийнинг «Bihzad» асари саналади [11]. Монографияда Хирот мактаби шаклланиши, унинг ўзига хос хусусиятлари, Камолиддин Бехзоднинг ижоди, портрет санъатига қўшган хиссаси илмий асосланган ҳақиқатлар билан тадрижий ёзилган. Айнан аёллар образи чуқур ёритилмаган бўлсада, китобда иллюстрацияларда аёллар образи келтирилади. «Timur and the princely vision» Persian art and culture in the fifteenth century [12] китобида Камолиддин Бехзод ижоди, Хирот мактабининг шаклланиш тарихи илмий асосланган. «Хумай ва Хумоюн боғда», «Хусрав ва Ширин боғда зиёфатда», «Булутдаги фаришта», «Аёл қомати», «Аёл боши» миниатюраларда аёллар образи берилган бироқ бадий таҳлилга тортилмаган. «Марказий Осиё китоб санъати ва миниатюраси [13]» тўпламида Шарқ миниатюра санъати, Низомий Ганжавий «Хамса»сига ишланган миниатюралар, Камолиддин Бехзод асарлари ва бошқа мавзулар ҳақида фикр юритилади. «Камолиддин Бехзод ижодининг жаҳон маданиятида тутган ўрни: тарих ва замонавийлик» [14] тўпламида миниатюра санъатида инсон образи, Камолиддин Бехзод ва портрет санъати мақоласида аёллар образига қисқача тўхталиб ўтилган. А.Хакимовнинг «Бехзод – Ғарб ва Шарқ мулоқоти номли мақоласида Камолиддин Бехзод яратган аёллар портрети шундай таърифланган: « К. Бехзоднинг «Гуллаётган новдалар орасида қиз» асари фигурали ва безакли ибтидо уйғунлигига мисол бўла олади. Тилларанг сариқ фонда қора кўйлакли ой юзли қизнинг танаси учиб юргандек. Унинг кўйлагида кенг япроқли новда тасвиридаги безаклар маъноли кўриниб турибди. Тана безак билан уйғунлашиб мангу гўзалликни қуйлаётгандек тасаввур уйғотади [15]. А. Хакимовнинг Ўзбекистон тасвирий санъати бўйича бир неча мақолаларида қадимги ва ўрта аср санъатидан то замонавий санъатгача гедонизм тушунчаси аёллар тимсоллари орқали ёритилган ва аёллар образи рухий

маиший нуктаи назаридан тарихий тадрижий ривожланиши кесимида тахлил қилинган [16].

Хулоса қилганда Қадимги ва илк Ўрта аср даврларига бағишланган илмий адабиётларда аёл образи асосан худо, улуғ она, илоҳа тимсоли, аёл худо образлари, хосилдорлик ва фарзанд кўриш рамзи сифатида талқин қилинган. Аёл образи миниатюрани ўрганган олимлар томонидан бевосита ўрганилмаган, аммо аёлнинг ижтимоий ҳаётда ёки маиший ҳаётдаги образи кўплаб миниатюра асарларида мавжуд бўлиб, уларнинг тадқиқотчилар томонидан ўрганилиши хали кун тартибда. Бу даврдаги Ўзбекистон тасвирий санъатида аёл тимсоли ҳозиргача алоҳида тадқиқот предмети бўлмаган. Мустақиллик йилларида мамлакатимиз тасвирий санъати ривожланишининг умумий тенденцияларига бағишланган фундаментал бир қатор ишларда Ўзбекистон бадиий маданиятининг шаклланиши ва ривожланиши муаммолари тадқиқ этилган. Мамлакатимиз санъатшуносларининг ишларида аёл образи, унинг турли тарихий даврларда жамиятда тутган ўрнини, трансформация жараёнларини тасвирий санъат асарлари орқали изоҳлаш тенденцияси тобора кучайиб келмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Додхудоева Л. Поэмы Низами в средневековой миниатюрной живописи. М.: Наука, 1985. 165 с.
2. Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. «История искусства Узбекистана». - Москва.: 1965
3. Хакимов А. История искусства Узбекистана. – Ташкент.: 2018.
4. Хакимов А. Искусство Узбекистана: история и современность. – Ташкент.: 2010.
5. Ўзбекистон маданий мероси Самарқанд тўпламлари. – Ташкент.: East star media, Zamon press info. 2019.
6. Каптерева Т.П., Виноградованинг Н.А. «Искусство средневекового Востока. – Москва.: 1989.
7. Шарқ миниатюраси. Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти. – Тошкент.: 1980.
8. Шарқ миниатюраси. Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти. – Тошкент.: 1980.
9. Пугаченкова Г., Галеркина О. Миниатюра Средней Азии. – Москва.: 1979.
10. Низомий «Хамса» сига ишланган расмлар. – Тошкент.: Ўзбекистон Фанлар академияси Ҳ. Сулеймонов номидаги қўлёзмалар институти. 1985.
11. Bahari E. Master of Persian Painting. London; New York, 1997
12. Timur and the princely vision Persian art and culture in the fifteenth century. Los Angeles. 1989.

13. Марказий Осиё китоб санъати ва миниатюраси. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Тошкент.: 2018.
14. Камолиддин Беҳзод ижодининг жаҳон маданиятида тутган ўрни: тарих ва замонавийлик. – Тошкент.: 2016.
15. Хакимов А. Беҳзод – Ғарб ва Шарқ мулоқоти. San’at, 2000. - №4.
16. Хакимов А. Марказий осиё санъатида гедонизм. 1-қисм. Қадимги ва ўрта асрлар санъати. San’at. 2010. - №2; Марказий осиё санъатида гедонизм. 2-қисм. Ислом санъатида гедонизм. San’at. 2010. - №3.

МУНДАРИЖА

БИРИНЧИ ШЎЪБА: ЎЗБЕКИСТОННИНГ МОДДИЙ МАДАНИЙ МЕРОСИНИ САҚЛАШДА МУЗЕЙЛАРНИНГ ЎРНИ	4
Асқаров А., Тўхтасинов Д. «Учтепа булоқмозор» археологик ёдгорлигининг ўрганилиши ва уни «мовий осмон» остидаги музейга айлантириш	4
Қорабоев У. Музейлар - миллий маданий меросни сақлаш ва тарғиб қилиш маркази сифатида	14
Исмаилова Ж. Рангтавир асарларининг консервацияси ва реставрацияси	20
Левтеева Л., Саидханова С. Некоторые итоги этнографической экспедиции музея истории в Ферганскую долину в сентябре-октябре 1988 года.....	33
Богомолов Г. Зеркало с птицедевой	45
Минасянц В., Холова Н. Два бронзовых кувшина XI – начала XII вв. из собраний государственного музея истории Узбекистана и государственного музея истории Темуридов АН Р УЗ	54
Мансуров Я., Расулов А. Музеи под открытым небом.....	62
Каримова Д. Ўзбекистон тарихи давлат музейининг тош даври экспозицияси.....	69
Ўлмасов А. Жаҳон реставрацияси тарихидан: XIX аср – XX аср бошлари	80
Абдуллаев Д. Ўзбекистон музейларида мукофотлар кўргазмасини ўтказиш хусусида	87
Орифжонова Г. Тошкент вилояти музейлари экспозицион таҳлили.....	92
Шамсиддинов Ш. Muzeylar – tarix ko‘zgusi.....	96
Ахунджанова У., Абдурахмонова З. Темурийлар даври хунармандчилиги намуналари музейимиз хазинасида.....	102
Аҳмеджонов Н. Жиззах вилояти музейлари фаолиятидан	108
Боймирзаев С. Ўзбекистон тарихи давлат музейида археология фондининг шаклланиш тарихидан	114
Жўраев Ш. Бухоро музейидаги Садриддин Айний совғаси	121
Абдурахмонов А. Сурхондарё вилоятида илк музейларнинг ташкил этилиш асослари ва дастлабки илмий фаолияти	126
Султонова Н., Ғаниев А. Музей фондидаги эркаклар миллий либослари таҳлили	134
Ходжаев Б. Маърифат ўчоғи.....	140
Элмуратова Ш. Ўзбекистонда музейларнинг вужудга келиш жараёнлари, уларнинг фаолиятида россия империяси ва совет ҳокимиятининг таъсири ҳақида баъзи маълумотлар	145
ИККИНЧИ ШЎЪБА: ТАРИХ, АРХЕОЛОГИЯ ВА ЭТНОЛОГИЯ МАСАЛАЛАРИ ЗАМОНАВИЙ ТАЛҚИНДА.....	153

Матбобоев Б. Андижоннинг ўрта асрлардаги тарихий-маданий мероси ёдгорликлари	153
Эргашева Ю. Ўзбекистонда XX аср 20-30-йиллари совет ҳокимиятининг маданий сиёсати ва мафкуравий зўравонлиги	163
Зунунова Г. Огонь: его появление, мифология и домашние очаги	174
Маткаримова Н., Хайруллаева Д. Хоразм воҳаси ўзбекларининг оилавий маросимлари мавзусининг мустақиллик даврида ўрганилиши	180
Мусакаева А. Монеты хорезма и согда на раннем этапе становления чеканов	185
Нуридинова Т., Удовенко О. Тошкент воҳасининг қадимги ва илк ўрта асрлардаги марҳумларни дафн маросимлари тарихидан.....	195
Рахимов К. Қадимги Марғиёнаннинг бронза даврига оид девор олди ошхона ўчоқлари хусусида	203
Доспанов О. К истории изучения городской жизни большого Гульдурсун	207
Ахмедов Ж., Шукурова З. Сохранение и реставрация наскальных изображений в Узбекистане.....	216
Нормуродов Д. Тункатнинг ҳижрий 305 (милодий 917 – 918) йилда зарб қилинган мис тангаси хусусида.....	221
Тўхтаева М. Қадимда ва ўрта асрлар тасвирий санъатида аёл тимсолини ўрганишнинг долзарб масаласига доир	225
Усаров У. XIX аср иккинчи ярми - XX асрнинг бошларида Россия империясининг Туркистон ўлкасидаги ер-сув муносабатлари оид сиёсатида маҳаллий аҳоли вакиллариининг ўрни	232
Тоғаев Ж. Тарих таълимида замонавий ахборот технологиялари имкониятларидан фойдаланишга доир айрим мулоҳазалар.....	238
Хатамова Р. Сув цивилизацияси тарихидан	243
Юсупов А. Кўчманчи сак қабилалари жамиятида аёлларнинг тутган ўрни	251
Мўсинова Д. Самарқанд тасаввуф тарихига оид нодир ҳужжатлар.....	255
Ҳамраев С. Бухоро амирлиги ва Россия империяси ўртасидаги элчилик муносабатларининг ўрнатилишига доир қарашлар (Россия империяси даври тарихшунослиги).....	258
Эргашев С. XX аср бошларида Туркистон маориф халқ комиссарлиги фаолияти.....	263
Ўролова М. Уруш даврида Ўзбекистондаги аёлларнинг ижтимоий фаоллиги.....	269
Tuxtabekova N. XIX asr oxiri – XX asr boshlarida Farg'ona vodiysidagi ijtimoiy-iqtisodiy hayot.....	276
Ахматов А. XX аср 80 - йиллари Бухоро адабий муҳити тарихини ўрганишнинг замонавий талқини	281
Абдурашулов А. Марказий Осиёда арабларгача бўлган давр диний эътиқодлари ҳақида мулоҳазалар.....	287